ГЛОБАЛЛАШУВ НАЗАРИЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Фарида Юлдашева

В данной статье рассмотрены некоторые взгляды и подходы к процессу глобализации в истории социально-философской мысли.

In this article global process in the history of social-philosophical theories and few approaches are analyzed.

Глобаллашув ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олаётган жамият интеграциясининг сифат жиҳатдан янги босқичи сифатида юзага чиқмоқда.

XX асрнинг 80-йилларигача тадқиқотчилар томонидан бу соҳа кам тадқиқ этилган бўлса-да, бу глобаллашувнинг яқинда пайдо бўлган ҳодиса эканлигини англатмайди. Глобаллашув жараёнининг илдизлари инсоният тарихининг узоқ ўтмишига бориб тақалади. Глобаллашув турли шаклларининг келиб чиқиши жамиятнинг ижтимоий–тарихий тараққиёти ва цивилизациялар ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, ҳозирда тадқиқотчилар томонидан, асосан, унинг иқтисодий, геосиёсий, ахлоқий, маданий, экологик, тил, коммуникатив шакллари мавжудлиги эътироф этилмоқда. Бугунги кунда глобал ўзгаришлар жамият ҳаётида туб иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий ўзгаришларни келтириб чиқармоқдаки, оқибатда ижтимоий ҳаёт барча соҳаларининг трансформацияси содир бўлмоқда. Бу ҳолат глобаллашув шароитида яшашнинг янги йўлларини излаб топишни тақозо этади ва барча давлатлар, миллатлар олдига бир қатор муаммоларни қўяди.

Глобаллашув жараёнига нисбатан қандай муносабатда бўлиш керак? Унга қўшилиш ёки ундан қочиш керакми, бу жараёнга мослашиш ёки ундан ҳимояланиш зарурми? Бу муаммолар глобаллашув жараёнининг келиб чиқиши, моҳияти, динамикаси, ҳозирги хусусиятлари, келажак тенденциялари, натижалари (ижобий жиҳатлари) ва оқибатлари (салбий жиҳатлари) каби жиҳатларини тадқиқ этишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан глобаллашув назариялари ва ёндашувларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Жамият, инсоният ҳаётининг умумий боғланганлиги ва унинг бир бутунликдан иборат эканлиги ҳақидаги фикрлар қадимги фалсафий таълимотлардаёқ пайдо бўлган. Жаҳон динларининг ривожланиши натижасида умумбашарий ахлоқий тамойиллар пайдо бўлдики, бу ҳолат глобаллиликни англаб етиш учун янада қулай имкониятлар яратди. Турли ижтимоий макон ва ҳудудларда яшовчи элат ва миллатларга мансуб бўлган кишиларнинг йирик диний ғоялар асосида бирлашуви, инсониятнинг интилиш ва мақсадлари кўп жиҳатдан муштараклиги келажакда глобал онгнинг келиб чиқишига асос бўлди. Бундай объектив ҳодисалар жамоавийликка хос бўлган дунёқараш ва тафаккурнинг шаклланиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиш орқали глобаллашув жараёнини тезлаштирди.

Тарих ва унинг тараққиёти, тарихий жараённинг амалга ошиш қонуниятлари, миллатлар, цивилизациялар ва ягона тарих каби масалалар доим ҳам файласуфлар, тарихчилар, социологлар ва бошқа олимларнинг диққат марказида бўлган. Бутун дунё тарихининг ягона ва умумийлиги ҳақидаги дастлабки тасаввурлар қадимги юнонларнинг фалсафий таълимотларидаёқ ўз аксини топган. Гераклитнинг объектив қонуниятларга бўйсунувчи ва доим олов сингари ҳаракатда бўлувчи ягона олам, турли қарама-қаршиликлардан иборат бўлган яккалик ва умумийлик ҳақидаги фикрлари, Полибийнинг “Умумий тарих” асарида акс этган тарихий жараённинг ягона ва умумийлиги тўғрисидаги қарашлари, Аристотелнинг ижтимоий алоқаларнинг энг олий ва умумий шакли давлат эканлиги эътироф этилган асарларидаёқ глобаллашув жараёни тўғрисида дастлабки фикрлар пайдо бўлган, деб айтиш мумкин.

Шарқ Уйғониш даврига келиб Ибн Сино, Фаробий, Ибн Халдун, Ибн Боджа каби бир қатор мутафаккирлар яратган таълимотларда ҳам глобаллашув жараёни масалалари қўйилганини таъкидлаш мумкин. Жумладан, Ибн Синонинг ақл, қалб ва жисмларни келтириб чиқарувчи ягоналик, Ибн Ал Арабийнинг ягона дунё назарияси, Ибн Боджанинг инсониятнинг умумий ақл билан бирлашиши натижасида бахтга эришиши мумкинлигини эътироф этувчи таълимотларини айтиб ўтиш ўринли бўлади. Бу таълимотларда айнан глобаллашувга оид фикрлар ёки тушунчалар қўлланмаган бўлса-да, мантиқий жиҳатдан дунё тарихининг ягоналиги ва умумийлиги ифода этилган ва глобаллашув билан боғлиқ масалалар кўтарилган, дейиш мумкин.

Шарқ мутафаккирларининг тарих ва унинг қонуниятлари, ижтимоий фалсафага оид қарашлари доирасида Ибн Халдуннинг алоҳида ўрни бор. В.В.Бартольд буни қуйидагича эътироф этган: “Бу қонунларни аниқлашда биринчи интилишлар араб тарихчиси Ибн Халдунга тегишли, у XIV асрдаёқ, бу йўналишдаги Европа тилларидаги биринчи тажрибалардан анча илгари тарихий тараққиётнинг қонунларини аниқлашни мақсад қилиб қўйган эди”[1; 311]. Ибн Халдуннинг “Ижтимоий ҳаётнинг табиати ҳақида китоб” асари тарихий жараён ва жамият тараққиётининг қонуниятлари таҳлилига бағишлан бўлиб, у тарихга “Муқаддима” номи билан кирган. Ибн Халдун ўз асарини янги фан сифатида талқин этади, бу фан кишиларнинг ижтимоий ҳаёти ва кишилик жамиятини ўрганади, деб билади: “Бу фаннинг марказий масаласи тарихни ҳаракатлантирувчи кучлари ва умумий қонуниятларидир. Шу сабабли тарих фалсафанинг асосларидан бири, у фалсафий фанлар қаторига қўшилиши керак ва бунга муносиб”,- деб ёзади[1; 322].

Ибн Халдуннинг таъкидлашича, кишиларнинг ижтимоий ҳаёти умрон, яъни цивилизация ёки маданиятни ташкил этади. “Умрон” тушунчаси адабиётларда цивилизация, маданият сифатида таржима қилинган. Умрон, муаллифнинг фикрича, нарса ҳам, натижа ҳам эмас, у кишилар ва авлодларнинг ҳаёт фаолияти жараёни. Тарих эса авлодлар алмашинуви ҳамда цивилизацияларнинг юксалиши ва пасайишида акс этадиган нотекис чизиқли қонуний жараён. Цивилизациялар бир-биридан такомиллашганлик даражаси билан фарқланади[1; 323].

Ғарб Ренессанс даври аниқ фанларгина эмас, жамият ва тарихни ўрганувчи фанлар соҳасида ҳам катта таълимотларнинг шаклланиши учун кенг имкониятлар яратди. Теологик таълимотлар ўрнини илмий таълимотлар эгаллай бошлади. Француз назариётчиси Жан Боденнинг суверенитет, хусусий мулк ва халқларнинг турфалиги ҳақидаги “Еттовлон суҳбати”, “Республика тўғрисида етти китоб”, Томас Морнинг “Утопия”, Томмазо Кампанелланинг “Қуёш шаҳри” асарларида ҳам ягона тарих, инсониятнинг бирлашуви натижасидаги умумий тараққиёти тўғрисидаги фикрларни кўриш мумкин[2; 71-82]. Масалан, Кампанелланинг фикрича, ҳар қандай нарса икки хил интилишга эга: биринчиси унинг бутунликка томон ҳаракатини, иккинчиси эса ўзига қаратилган ҳаракатни англатади. Инсон ўз-ўзини сақлашнинг эгоистик тамойили ва мулоқот қилиш эҳтиёжи натижасида ижтимоий бутунлик билан бирлашишга интилади. Кампанелла инсоният келиб чиқишининг ягоналиги, инсон эҳтиёжларининг бир хиллиги ва келажакда барча халқлар ягона бирбутунликка бирлашишлари ҳақидаги ғояларни илгари суради. “Инсоният бирлашадиган кун яқин. ... Шоирлар, ўтган барча асрлардан, худди олтин ҳамма металлардан аъло бўлгани каби, устун бўлган янги асрни кўрадилар. Унда файласуфлар ўзлари тасвирлаган ва ҳали (ҳеч қачон) ерда мавжуд бўлмаган мукаммал Республикани кўрадилар”[2; 83-84].

Француз маърифатпарварларининг ёрқин вакили Жан Жак Руссо “Ижтимоий келишув ҳақида”, “Тенгсизликнинг сабаблари” асарларида ҳамма кишилар эркин бўлиши мумкин бўлган жамият ҳақида ёзади. Унинг фикрича, мулк фуқаролик жамиятининг асоси ва шу билан бирга тенгсизликнинг сабабидир. Биринчи марта ўз ерининг атрофини тўсиб, “бу меники” дея содда кишиларни ишонтирган инсон фуқаролик жамиятининг ҳақиқий

асосчиси эди. Пайдо бўлган фуқаролик жамияти энг шафқатсиз уруш ҳаракатларининг театрига айланди[2; 328].

Руссонинг ёзишича, келишувнинг вазифаси умумий кучлар билан шахсни ва мулкни ҳимоя қилувчи ассоциациянинг шаклини излаб топишдан иборат. Бундай ассоциациянинг ҳар бир аъзоси бошқаларга қўшилиш билан бирга ўз эркинлигини сақлаб қолиш имкониятига ҳам эга бўлиши лозим. Барча кишиларнинг ҳуқуқлари ижтимоий бутунликнинг фойдасига хизмат қилади, шу билан бирга ҳар бир шахс “фуқаролик эркинлигини ва мулк эркинлигини” қўлга киритади[2; 329].

Тарихий жараённинг диалектикага асосланган фалсафий назариясини яратган немис мутафаккири Гегель мантиқий триада (тезис – антитезис — синтез) асосида тарихни умумий тарих сифатида ифода этди. Унга кўра, объектив руҳ ижтимоий ҳаётда индивидлардан, алоҳида кишилар ва уларнинг турли алоқалари, ўзаро муносабатларидан устундир. Тарих — объектив руҳ, у турли халқларнинг ўзига хос руҳи ва уларнинг алмашинуви асосида объектив, қонуний намоён бўлади. Гегелнинг умумий тарих тўғрисидаги фикрлари вафотидан сўнг нашр этилган “Ҳуқуқ фалсафаси” асарида ёритилган.

Тараққиётнинг ўзи мантиқан эволюцион интеграция натижасида глобаллашув жараёнига олиб келади. Оддийдан мураккабга томон йўналган, босқичма-босқич давом этувчи эволюцион тараққиётнинг тарихий йўналганлик моҳияти, тенденцияси ва мантиқий давомийлигига кўра бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки барча мамлакатлар ва миллатларнинг тарихи умумий тарих бир бутунлигининг элементи сифатида намоён бўлади ва, табиийки, улар маълум вақтлар ўтганидан сўнг ягона тизим — умумий тарихга турли шаклларда бирлашадилар.

Демак, инсониятнинг ягона тарихи мавжуд бўлиши мумкинлигининг ўзи глобаллашув жараёнининг келиб чиқиши, шаклланиши ва ривожлана бориб муҳим ҳодисага айланишини табиий ҳолда тақозо этади. Ҳар қандай миллат, мамлакат, жамиятнинг тарихи маълум тарихий босқичда ўзининг якунига эга (ҳар қандай тарихий босқич чекланган), лекин унинг бутун дунё умумий тарихига қўшилгани нуқтаи назаридан чексиз.

Масалага фалсафий жиҳатдан ёндашган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай тизимнинг алоҳида мавжуд бўлган ва ҳозирча ўзаро боғлиқликда бўлмаган элементлари маълум вақтдан кейин ўзаро муносабатларга кирадилар. Бундай ўзаро муносабатнинг ривожланиши ва кенгайиши ушбу элементларни бир-бири билан янада кучлироқ боғлайди. Ниҳоят, улар шундай босқичга етиб келадиларки, улар бир-бирининг мавжуд бўлиши ё бўлмаслиги, яшаши ёки яшамаслигини белгилаб берадилар. Бундай жараён табиатда ҳам, жамиятда ҳам кузатилади. Шу нуқтаи назардан инглиз файласуфи Арнольд Тойнбининг (1889-1975) ягона тарих ҳақидаги фалсафий фикрлари унинг узоқни кўра билганини англатади. “Тарихни тадқиқ этиш” номли асарида Тойнби тарихий жараённи ўрганишга маданий-тарихий методология нуқтаи назаридан ёндашиб, локал цивилизациялар назариясини яратди. Шпенглернинг цивилизация назариясини давом эттирган ҳолда, у тарихни бир-биридан алоҳида мавжуд бўлган локал цивилизациялар тарихи сифатида эътироф этади. Унинг фикрича, ҳар бир цивилизация тарихнинг битта циклини тшкил этади. Цивилизация ўз ҳаётида туғилиш, ўсиш, ривожланиш, сўниш ва емирилиш босқичларини босиб ўтади. Ҳар қандай локал цивилизация марказида маданий-ижодий ядро (ўзак) мавжуд бўлиб, унинг атрофида маънавий, ижтимоий-сиёсий ва хўжалик ҳаётиннг шакллари бирлашадилар. Цивилизация, тарих “чақириқ ва жавоб” қонунига бўйсунади. Бундай чақириққа цивилизацилар мавжуд имкониятидан келиб чиқиб жавоб берадилар. Ўз маънавий-маданий ресурсларини жамлаб чақириққа жавоб бера олиш потенциалига эга бўлган цивилизация тарихий жараёнга қўшилиб яшаб кета олади. Тарихий жараён цивилизацияларнинг алмашинувидан иборат.

Немис файласуфи Карл Ясперс (1883-1969) ҳам ўз асарларида дунё тарихининг ягоналиги масаласига эътибор қаратади. Унинг фикрича, инсоният доирасида турли миллатлар ва мамлакатлар бор бўлишига қарамай, у ягона тарихга эга. Инсониятнинг келиб чиқиши ва мақсадлари ягона. Инсоният умумий мақсадга эгалиги сабабли ҳам унинг тарихи ягона. Бутун тарих бир-бирининг ўрнини босувчи учта фазага: тарихгача бўлган давр, тарих ва дунё тарихига бўлинади. Дунё тарихи дунёнинг ва инсониятнинг глобал бирлигидан бошланади[3; 120].

Тарих фазасида – эр. аввалги ўқ даврда, яъни 800-200 йилларда, ҳозирги замон одами пайдо бўлди ва тарихда кескин бурилиш бошланди, дунё тарихининг асоси, ўқи ташкил топди. Бунгача мавжуд бўлган архаик маданият локал характерга эга бўлган бўлса, энди маданият универсаллаша бошлади. Шу орқали инсоният "... ҳуқуқий тартибга солинган, моддий ва маънавий чексиз яшашга интилувчи бирликка эришади"[3; 63]. Кўриниб турибдики, Ясперс яшаган даврда глобаллашув муаммолари бугунгидек долзарб турмаган бўлсада, у ушбу жараённинг суръатлари тезлашиб бораётганини олдиндан кўра билган. Шу билан бирга, Ясперс XX асрнинг хавфларидан бири — халқнинг оммага айланиши ва омма ичида инсоннинг ўзини йўқотиб қўйиши мумкин, деб таъкидлаб ўтган эди[3; 196-197].

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб ягона индустриал жамият назариялари ҳам кенг тарқалди. Шундай назариялардан бирининг асосчиси француз файласуфи Р.Арондир (1905-1983). Унинг фикрига кўра, ягона индустриал жамият асосида ягона тарих шаклланади. Саноат тараққиёти натижасида жамиятнинг ягона тури шаклланади. Мавжуд саноат давлатлари бир хил турнинг турли ифодаси холос (бунга Ғарб давлатлари ёки ўз даврининг социалистик давлатлари мисол бўлиши мумкин). Ароннинг қарашлари технологик детерминизмга асосланган бўлиб, ягона индустриал жамият қарама-қаршиликлар асосида ривожланади: фан ва техника тараққиёти идеалларни яратади, лекин уларни амалга ошира олмайди; индустриал жамият қаттиқ тартибни талаб этади, аммо, шу билан бирга, шахснинг тенглиги, эркинлигини ҳам тақозо этади.

А.Бегматов глобаллашувга берилган таърифлар ичида унинг моҳиятини тўлароқ акс эттира олгани француз тадқиқотчиси Б.Банди томонидан берилган таъриф эканини таъкидлайди: "Глобаллашув – муттасил давом этадиган тарихий жараён; глобаллашув — жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни; глобаллашув – миллий чегараларнинг "ювилиб кетиш жараёни"[4; 57-58].

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида глобаллашув масалалари маънавият билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилади. Муаллиф глобаллашув жараёнига Ўзбекистоннинг муносабати қандай бўлиши кераклигини айтиб, бу жараённи қуйидагича таърифлайди: "Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янгича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда. ... глобаллашув - бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир"[5; 110-128].

Дунё ҳамжамиятининг эътиборини глобал муаммоларга биринчилардан бўлиб қаратган Рим клуби аъзоларининг бу соҳада амалга оширган ишларини айтиб ўтиш лозим. Рим клуби итальян иқтисодчиси Аурелио Печчеи ташаббуси билан 1968 йилда ташкил топган бўлиб, клуб фаолиятининг асосий йўналишларидан бири глобал муаммоларни ўрганиш, уларни тадқиқ этишга таъсир кўрсатиш ва жамият онгини ушбу муаммога жалб этишдан иборат. Клуб аъзолари томонидан яратилган бир қатор асарларда [6] ҳамда унинг биринчи маърузасида айтилишича, илм-фан ва техниканинг ҳозирги тараққиёти, иқтисодий ривожланиш XX1 асрнинг биринчи ярмига келиб "глобал фалокатни" келтириб чиқариши мумкин. Рим клубининг хулосаларига кўра, дунё аҳолиси ўсишининг ҳозирги

суръатлари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва экологик муҳитнинг ёмонлашиб бориши оқибатида табиий ресурсларининг камайиб бориши “иқтисодий ўсишнинг табиий чегараларини” белгилаб беради. Бундай ҳолатдан чиқишнинг йўли “ноль тараққиёт”, яъни 2-3 фарзанд билан чекланиш, янги саноат корхоналарини қурмаслик ва шу йўл билан фалокатнинг олдини олишдан иборатдир.

Бу масалада Джон Форрестер ва Д.Медоуз раҳбарлигида математик моделлаштириш асосида қилинган хулоса қуйидагича бўлди: индустриализация ва аҳолининг ўсиши, озиқ-овқат маҳсулотлари, табиий ресурсларнинг тобора камайиб бориши табиий кучларнинг деградацияга учрашига олиб келади. Агар бундай тенденциялар ўсиб борса, 75 йилдан сўнг (2047 йилда) инсоният ўсиш чегараларига етиб боради. Ундан чиқишнинг йўли битта: ўсиш суръатларини камайтириш ва дунё аҳолисининг ўсиб бориши тенденцияларини қаттиқ назорат остига олиш зарур. Шу йўл орқали иқтисодий ва экологик барқарорликка эришиш мумкин.

Рим клубининг аъзоларидан яна бири Жак Аттали глобаллашув даврини бутунжаҳон савдо даври, деб атайди. У ўзининг “Уфқ чизиқлари” асарида ёзишича, аввал кишилар Худога эътиқод қилган бўлсалар, энди пул асосий ҳисобланган савдо-сотиқ даври бошланди. Бу даврнинг асосий субъекти савдогар бўлиб, у кўчманчига хос турмуш тарзига эга. Иложи борича юқори фойда олиш кетидан қувган, бир ердан иккинчи ерга кўчиб юрган савдогарларнинг на ватани, на оиласи бўлади. Кишилар шундай жамиятга бўйсунишга, ёки ундан кетишга мажбурдирлар[6;204-205]. Жак Аттали фикрлари глобаллашаётган жамиятнинг асосий хусусияти унинг ўзгарувчанлиги, мослашувчанлиги, кучли динамикага эгалиги ва доимий эмаслигини ифода этади. Бу фикрга нисбатан шуни айтиш мумкинки, албатта, кучли динамикага эга бўлган жамият — бу тез ривожланаётган ва тобора янгиланиб бораётган жамият. Лекин кучли динамика ва ўта тез ўзгарувчанлик жамиятда баъзан хаос юзага келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Сўнгги йиллар мобайнида россиялик олимлар томонидан глобаллашув муаммоларига бағишланган қатор жиддий монографиялар нашр этилди, уларда глобаллашувнинг турли таърифлари таклиф этилди [7,8,9,10,11]. Жумладан, И.И.Лукашукнинг фикрича, “Глобаллашув бутун дунё миллий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузилмаларини ягона иқтисодий ва ижтимоий тизимга бирлаштирувчи жараён”[11;1]. Бизнингча, ушбу қисқа таърифда глобаллашувнинг энг асосий хусусиятлари ифода этилган.

Сиёсий глобаллашув муаммосини ўрганиш борасида И.А.Василенконинг 2000 йилда Москвада нашр этилган “Сиёсий глобалистика” номли олий ўқув юртлари талабалари учун дарслиги йирик илмий ишлардан ҳисобланади. Олиманинг муаммога ўзига хос ёндашуви шундан иборатки, унда цивилизация глобаллашув жараёнининг натижасигина эмас, балки глобаллашувнинг ўзи цивилизациялар диалоги ва маданиятлараро мулоқотнинг натижаси сифатида талқин этилиб, унинг моҳияти, йўналишлари ва келгуси динамикаси кенг таҳлил қилинган. Муаллиф глобаллашувга унинг тарихий динамикаси нуқтаи назаридан ёндашиб, ушбу динамика моҳиятини цивилизациялар ижодий диалогининг натижаси белгилашини таъкидлайди.

Масалага бундай ёндашув глобаллашувни ўрганиш борасидаги янгилик бўлиб, муаммони таҳлил этаётган тадқиқотчида бошданоқ глобаллашувга нисбатан фақат ижобий муносабатни шакллантиради. Бизнингча, глобаллашувга цивилизациялар диалоги сифатида қараш қисман тўғри, лекин бундай қарашлар айрим давлатларнинг глобаллашув жараёнида ўз маданияти ва турмуш тарзини бошқаларга турли йўллар билан зўрлаб ўтказиш мақсадида олиб бораётган сиёсати, унинг бошқа миллатлар ва давлатлар учун қай даражада хавфли эканлиги, маданиятнинг универсаллашуви ва унификация жараёни каби муаммоларнинг қисман эътибордан четда қолишига сабаб бўлади.

Россиялик иқтисодчи олим Ю.В.Яковец глобаллашув муаммосини XX1 асрнинг *ўқли (осевая*) муаммоси деб атайди. У глобаллашув тенденцияларини ўрганиш билан бир қаторда, уни цивилизацияларнинг олти жиҳати доирасида: демографик, табиий-экологик, технологик, иқтисодий, геосиёсий ва ижтимоий-маданий жиҳатлардан тадқиқ этади. Мазкур тадқиқотнинг асосий йўналиши глобаллашув цивилизациялар тўқнашувига олиб келиши, унинг инсоният учун хавфли эканлиги, бу хавфнинг олдини олиш учун цивилизациялар ва давлатларнинг ҳамкорлиги, диалогининг стратегияси ва механизмларини ишлаб чиқиш зарурлигини ёритиб бериш билан боғлиқ [10;3-82, 270-392]. Аслида, бу назария Гарвард университети профессори С.Хантингтоннинг “Цивилизациялар тўқнашувими?” асарида акс этган фикрларга яқин. Унда С.Хантингтон глобаллашув шароитида турли маданиятлар ва цивилизациялар тўқнашуви юз бериши мумкинлиги тўғрисидаги назарияни илгари сурган[12].

Глобаллашувни цивилизацияларaро тўқнашув сифатида эътироф этиш тўғри эмас. Чунки цивилизация улкан ва кенг ҳодиса. Унга тўқнашув нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, битта цивилизациянинг элементи сифатида мавжуд бўлган барча маданиятларнинг, шунингдек, турли цивилизациялар таркибига кирувчи маданиятларнинг ҳам ўзаро тўқнашувини тан олиш керак. Лекин амалда бундай эмас. Бунинг сабаби барча цивилизацияларнинг ҳам моҳияти деярли бир хил умуминсоний қадриятларни ифода этувчи асосларга эга эканлигида.

Ҳар қандай цивилизация ҳам диний, илмий, аҳлоқий, эстетик ва ҳ.к. қадриятлар тизимига таянган ҳолда тараққиётга хизмат қилади. Демак, уларда бузғунчи потенциалдан кўра яратувчилик, олдинга ва эзгуликка интилувчанлик потенциали кўпроқ. Бундай моҳиятга эга бўлган цивилизациялар ўзаро тўқнашувга учрамайдилар. Аксинча, улар ўзаро муносабатларга кирадилар, мулоқотда бўладилар ва бир-бирини тўлдириб, бойитадилар. Бундай мулоқот фақат субъектларнинг ўз манфаатларига мос равишда аралашуви ва бошқаларнинг мақсадларига зид хатти-ҳаракатлари оқибатида салбий характер касб этиши мумкин. Демак, муаммо субъектлар фаолиятининг қандай амалга ошиши билан боғлиқ.

Глобаллашув муаммоси доирасида унга ўз муносабатини билдираётган бир неча оқимларни санаб ўтиш мумкин. Булар *глобализм, антиглобализм, мондиализм, либерализм, неолиберализм, радикализм, модернизм, постмодернизм ва бошқалар.* Глобализм – глобалашувнинг тарафдорлари ва уни асосан ижобий жараён сифатида ифода этучилар, антиглобализм – глобаллашувга қарши чиқувчилар, мондиализм – глобаллашувнинг сунъийлашиб боришига қаршилар, либерализм – ҳуқуқ ва эркинликни шахснинг асосий устувор имкони сифатида талқин этувчилар, неолиберализм – замоннинг ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда либералистик қарашларни замонавий ижтимоий-иқтисодий ҳаётга мослаштиришга ҳаракат қилувчи таълимот, радикализм – ижтимоий ҳаётда кескин ўзгаришлар тарафдорлари.

Ёндашувлардан яна бири вестернизациядир. Вестернизация бутун дунёга Ғарб мамлакатларига хос бўлган қадриятларни, турмуш тарзини, ғарбий ижтимоий институтларни тарқатишни назарда тутади. Бу вазифани у қисман иқтисодий ва маданий алмашинув орқали, қисман Ғарб мамлакатларининг гегемонлиги эвазига амалга оширмоқчи бўлади. Вестернизация тарафдорлари маҳаллий аҳолининг Ғарб маданияти, турмуш тарзи ва қадриятларини ёқлаб чиқувчи, уларнинг ўз мамлакати ҳудудида ёйилиши тарафдори бўлган қисмига таянган ҳолда амалга оширишга интилади.

Сўнгги вақтларда илмий-фалсафий адабиётда “мондиализм” (фр.le monde – бутун дунё) тушунчаси кўп учрайдиган бўлиб қолди. Глобаллашувнинг тобора сунъийлашиб, бу жараённинг кечишига субъектив омилнинг аралашиб боришига қарши чиқувчилар “мондиализм” тушунчасини қўлламоқдалар. Улар инсоният тарихида табиий йўл билан шаклланган миллатлараро ва давлатлараро муносабатлар доим ҳам бўлганлигини, аммо улар ҳозирга келиб ўз моҳиятини ўзгартириб, мондиалистик хусусият касб этганлиги

сабабли миллий идентификацияга хавф солаётганини эътироф этадилар. Улар мондиализм анъанавий қадриятларнинг йўқолишига олиб келади, деб ҳисоблайдилар [6;83-84].

Глобаллашувнинг назарий асосчиларидан бири сифатида инглиз мутафаккири Карл Попперни (1902-1994) кўрсатиб ўтиш мумкин. Жамият ва маданият ҳам табиат сингари очиқ. Глобаллашув очиқ жамиятни ривожлантиради. Очиқ жамият ягона назария ёки ёндашув асосида бўлмаслиги, аксинча, турли-туман ва ҳатто бир-бирига қарама-қарши бўлган тамойиллар асосида ривожланиши мумкин. Яъни жамият ва унинг аъзолари мутлақ очиқ ёки толерантлик хусусиятига эгадирлар. Бундай ҳолат жамият учун катта аҳамиятга эга бўлиб, унда маълум бир назариянинг тўла ҳукмрон бўлиб қолишига йўл қўйилмайди ва тоталитаризмнинг олди олинади. "...Очиқ жамият ... шундай жамиятки, унда кишилар (асосан) табуга танқидий қарашни, қарорларини бошқалар билан биргаликда муҳокама қилиш ва уларни ўз интеллекти имкониятларига асослантиришни ўрганиб оладилар"[13;251].

Поппер очиқ жамиятга ўтишнинг улкан тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлайди: "...ёпиқ жамиятдан очиқ жамиятга ўтишни инсоният бошдан кечирган энг чуқур инқилоблардан бири, деб тавсифлаш мумкин"[13;220]. Поппернинг ёзишича, ёпиқ жамият тоталитар жамият бўлиб, у "... бошиданоқ жамият манфаатларини шахс манфаатига нисбатан аҳамиятлироқ ва муҳимроқ деб тасаввур этган ҳолда фақат амалий жиҳатдангина эмас, назарий жиҳатдан ҳам шахс манфаатларини жамият манфаатларига бўйсундиришга олиб келади"[14;102].

"Ёпиқ жамият"ларнинг барчаси ҳам фақат салбий моҳиятга эга бўлган, дейиш нотўғри бўлади. "Ер юзида аслича сақланиб қолган (Ботсвана, Намибия, Танзания, Янги Гвинея, Бразилияда) овчи-терувчи қабилалари ёпиқ жамиятга мисол бўладилар"[15,16]. Бу жамиятлар ибтидоий тузум даражасида бўлса-да, улар табиат билан келишган ҳолда яшайдилар ва бундай уйғунлик яна минг йиллар давом этиши мумкин[16;93]. Бу халқларни яшашнинг мавжуд тарзи ҳозирча қониқтиради. Улар бошқача яшаш мумкинлигини ҳатто ҳаёлига ҳам келтира олмайдилар.

Ғарб тадқиқотчилари глобаллашувнинг, асосан, иқтисодий жиҳатларига эътиборни қаратадилар ва, кўпроқ, иқтисодий глобаллашувнинг хусусиятлари, моҳияти ва тенденцияларини тадқиқ этадилар**.** Англиялик иқтисодчи Джон Майнард Кейнс (1883-1946) XX аср иқтисодий тараққиёт назариётчиларидан бири. Унинг усуллари "кейнсианчилик" номи билан кўпчиликка таниш бўлиб, уларни, жумладан, Америка ҳукумати "буюк депрессиядан" сўнг Рейган давригача ўз иқтисодий ҳаётида қўллаган. Кейнснинг фикрича, эркин бозор муносабатлари ўзининг ўта нобарқарорлиги, мустаҳкам эмаслиги билан тавсифланади. Унга турғунликлар хос. Бундай ҳолатни давлатнинг иштироки орқали тўхтатиш, ҳеч бўлмаса олдини олиш мумкин. Давлатнинг аралашиш масштаблари глобаллашувнинг суръатларидан устун бўлгандагина турғунликдан чиқиш мумкин. Турғунликдан кейинги бурилиш даврларида реализация қилинмаган иқтисодий ва маданий салоҳият юзага чиқади ва катта аҳамият касб этади. Одамлар қондира олмаган, "сақлаб қўйилган" талабларини қондира бошлайдилар ва бу нарса турғунликдан чиқишнинг гарови ҳисобланади[6;21-30].

Тараққиётнинг Америка моделини ёқлаб чиққан назариётчилар барча жамиятлар учун турли соҳаларнинг унификация (бирхиллашув) жараёни қонуний, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг айтишича, Ғарб цивилизацияси дунёда асосий бўлиб, барча мамлакатлар ва миллатлар учун мос тушади. Масалан, Америка сиёсатшуноси Френсис Фукуяма ўзининг "Тарихнинг якуними?" номли мақоласида эртами-кечми барча мамлакатлар Ғарб маданияти ва қадриятларини қабул қилади, бу ҳолат тарихнинг якунини англатади, деб таъкидлайди. У илгари сурган ғояга кўра, социалистик тизим емирилганлиги сабабли энди америкача тараққиётнинг душманлари йўқ. Демак, тарих якунланади[17;290-291].

АҚШ нинг бошқа барча мамлакатлардан ҳар томонлама устунлигини асослаб бермоқчи бўлган сиёсатчилардан яна бири Збигнев Бжезинскийдир. У Америка маданиятини мақтаб, унга барча эргашаётганлигини исбот қилишга интилади: “Бошқалар ўзларининг эстетик қадриятлари ҳақида қандай ўйласалар ҳам, америкача оммавий маданиятнинг жозибаси, айниқса, бутун дунё ёшларини ўзига магнитдек тортувчи куч таратади. ... Америка телевидениеси дастурлари ва фильмлари дунё бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллаган. Америка оммавий мусиқаси ҳам бош ўринни эгаллаган, бутун дунёда америкаликларнинг қизиқишларига, овқатланиш одатларига ва ҳатто кийинишларига тақлид қилишади. Internet тили – инглизча, комьпютердаги “суҳбатларнинг” асосий қисми ҳам Америкадан бўлиб, глобал суҳбатларнинг мазмунига таъсир кўрсатмоқда. Ва ниҳоят, замонавий билим олмоқчи бўлганлар учун Америка Маккага айланди; тахминан ярим миллион чет эл талабалари Қўшма Штатларга оқиб келмоқдалар, улардан энг қобилиятлиларининг кўпчилиги уйга қайтмайдилар. Америка университетларининг битирувчиларини деярли барча минтақалардаги ҳар бир ҳукуматда топиш мумкин”[18;38].

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, ҳозирги даврда глобаллашувга оид назариялар ичида пессимистик, яъни глобаллашувни цивилизациялар тўқнашуви сифатида талқин этувчи назариялар[10,12,19] ҳам кенг тарқалган. “Пессимизмга берилиш нотўғри. Пессимизм давримизга хавф солаётган хусусият. Агар аввал утопия (“ҳеч қаердаги мамлакат”) умид ороли бўлган бўлса, энди утопиянинг ўрнида кўпинча инсонга ҳеч қандай умид қолдирмаётган антиутопия ҳукмрон. Биз яна таъкидламоқчимиз: инсон шунга ўхшаш тенденцияларга қарши тура олиши мумкин”[21;167]. Давр руҳида ва, умуман, тарихий тараққиётда пессимизмнинг намоён бўлиши жамият келажагини режалаштиришда ҳам яхши натижа бермайди. Чунки бундай ҳол миллатлар ва мамлакатлар ижтимоий-маданий тараққиётининг ўзини ҳам хавф остига қўяди. Ушбу назариялар алармизмга (фр. alarme – ваҳима қилиш) ҳам яқин. Алармизм – дунёга хавф (ядро уруши, экологик хавфлар) солиши мумкин бўлган глобал муаммолар ҳақида огоҳлантирувчи интеллектуаллар ва экспертларни бирлаштирган ғоявий оқимдир [22;348].

Ўзбек олимлари томонидан глобаллашув масаласига эътибор берила бошланганига кўп бўлмаса-да, бу соҳада анча ишлар қилинди, деб айтиш мумкин. Сўнгги йилларда чоп этилган бир қатор илмий асарлар ва мақолалар фикримизнинг далилидир [4,24,25,26,27,28]. Ушбу илмий тадқиқотларда глобаллашув жараёнининг асосий жиҳатлари таҳлил этилган. Уларда умумий тарзда глобаллашув объектив ва қонуний жараён эканлиги, унинг хусусиятлари, шакллари, динамикаси каби жиҳатлари ўрганилган. Аммо шуни айтиш ўринлики, глобаллашув масаласи ўзбек олимлари томонидан, асосан, алоҳида тадқиқ этиш зарур бўлган мавзу сифатида эмас, балки тадқиқот объектининг бошқа жиҳатларига алоқадор тарзда ўрганилмоқда.

Соҳа мутахассислари, асосан, бу жараённинг қуйида қайд этилган жиҳатлари бўйича баҳс олиб бормоқдалар: “глобаллашув” тушунчаси ва умумий назариялари, глобаллашув, глобализм, глобал муаммолар ва глобалистиканинг боғлиқлиги, глобаллашувнинг келиб чиқиши ва унинг тарихий босқичлари, глобаллашувнинг йўналишлари, шакллари, глобаллашув таъсирининг натижалари ва оқибатлари, унинг миллийлик, миллий маданиятга таъсири, глобаллашувнинг динамикаси, тенденциялари, келажаги ва ҳ.к.

Кўриниб турибдики, глобаллашув муамммосини ўрганишда бир хил фикрлар ва ёндашувлар йўқ. Албатта, бу нарса табиий. Чунки бирор бир муаммони ўрганиш давомида турли фикрлар ва турлича ёндашувлар бўлиши фан тараққиётидаги одатий ҳол. Фикрлар ва илмий ёндашувларнинг ранг-баранглиги муаммонинг серқирра, мураккаб ва ўта зиддиятлилиги, бу жараёнга кучли динамизм хослиги ва унинг ўта ўзгарувчанлигидан далолат беради.

Юқорида қайд этилган фикрларни умумлаштирган ва уларга асосланган ҳолда глобаллашувга қуйидагича таъриф бериш мумкин: *глобаллашув барча давлатлар ва миллатларнинг ягона иқтисодий-сиёсий, маданий–маънавий тизимга тобора бирлашуви ва интеграциялашувига олиб келувчи объектив ва қонуний, серқирра ва зиддиятли жараёндир.*

Таъкидлаб ўтилганларга асосланган ҳолда қуйидаги умумий хулосаларга келамиз: а) ижтимоий-фалсафий фанлар тарихида глобаллашув тушунчаси XX асрга келиб кенг қўлланила бошланган бўлса-да, глобаллашув жараёнини ифода этувчи фикрлар умумий тарих, оламнинг бир бутунлиги ва тарихнинг ягоналиги тўғрисидаги тарихий фалсафий қарашларда ўз ифодасини топган; б) келтирилган таърифларга асосланган ҳолда шуни айтиш ўринлики, "глобаллашув" тушунчаси ушбу жараённи акс эттирувчи ижтимоий–фалсафий категория бўлиб, у бундай сифатда глобаллашув жараёнига хос бўлган хусусиятларни ва унинг моҳиятини ифода этади; в) глобаллашувни таҳлил этиш бевосита "глобализм", "глобал муаммо", "глобалистика", "цивилизация" тушунчалари билан ҳам боғлиқ; "глобаллашув" фалсафий тушунчаси инсоният интеграциясининг натижалари, бу жараёнда турли миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий жиҳатдан ўзаро алоқадорлигини бир бутун тизим сифатида ифода этади; г) глобаллашув интеграциянинг юқори босқичи сифатида барча мамлакатлар ва миллатларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига боғлиқлигини янада кучайтиради.

Адабиётлар:

1. Очерки истории арабской культуры V-XV вв.- М.:Наука, 1982
2. История философии. В 2 т. Т.2.- М., 1941
3. Ясперс К. Истоки истории и ее цель.- М.,1991
4. Бегматов А. Маънавият фалсафаси. 2-китоб.- Т., 2006
5. Каримов И.А.Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.:Маънавият, 2008
6. Егишянц С.А. Тупики глобализации. Торжество прогресса или игры сатанистов?- М.: Вече, 2004
7. Гудожник Г.С., Елисеева В.С. Глобальные проблемы в истории человечества.- М.: Мысль, 1989
8. Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности.- М.:Прогресс.
9. Иноземцев В. За пределами экономического общества. -М.: Академия, 1998
10. Яковец Ю.В. Глобализация и взаимодействие цивилизаций. - М.: Экономика, 2003
11. Лукашук И.И.Глобализация, государство, право.XX1 век.- М., 2000
12. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? // Полис.- 1994.- № 1.
13. Поппер К.Открытое общество и его враги. Т.1.- М., 1992.
14. Шаповалов В.Ф. Основы философии современности к итогам XX века.- М.: Флинта. Наука, 1998.
15. Олескин А.В. Биополитика. Политический потенциал современной биологии: философские, политические и практические аспекты.- М., 2001.
16. Франчук В.И.Общая теория обществ: новый организмический подход. // Социально-гуманитарные знания.- 2008.- № 1
17. Фукуяма Ф. Конец истории? // Философия истории. Антология.- М.: Аспект-Пресс, 1994
18. Бжезинский З. Великая шахматная доска.- М., 1999
19. Панарин А.С. Россия в цивилизационном процессе.- М.:ИФ РАН, 1996
20. Реванш истории.- М.: Логос, 1998
21. Бессонов Б.Н. Гуманизм и духовное развитие общества.- М.: РАГС, 2006
22. Василенко И.А. Политическая глобалистика. Учебное пособие.- М.: Логос, 2000
23. А.Бегматов. Маънавият фалсафаси. 2-китоб.- Т.,2006
24. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари.- Т.: Академия, 2006
25. Умаров Б. Глобаллашув.- Т.: Академия, 2006
26. Адилходжаева С.М. Глобализация и вопросы устойчивого развития государства // Общественные науки в Узбекистане.- 2008.- № 3
27. Исматиллаева Д. Глобаллашув ва миллий тарбия // Ҳозирги замон фалсафаси: ҳолати ва тараққиётининг истиқболлари. Академик Жондор Туленов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро илмий-назарий анжуман материаллари.-Т., 2008;
28. Баҳодир Зокир. Глобаллашув зиддиятлари // Тафаккур.- 2004.- № 1.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси 2009 йил 10 мартда қабул қилинган (Тақризчи: профессор А.Бегматов)